



Мустақам ижтимоий ҳимоя учун



Ўзбекистон Конституцияси мустақил тараққиётимиз, фаровон ҳамда эркинлигимиз кафолатидир.

Конституциядаги моддалар сони аввалги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошгани диққатга сазовор. Эътиборли жиҳати, янгиланган Конституцияда давлатимиз раҳбари таклифи билан “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили конституциявий норма сифатида мустақамланди. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробарга кўпайди.

Жумладан, янгиланган Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Албатта, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш оилалар ўз хонадонига эга бўлиши шахснинг ижтимоий барқарорлиги ва ҳаётдан розилик даражасини оширишга хизмат қилади.

Конституциямизнинг 43-моддасида: “Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради. Давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини

ташқил этади ҳамда рағбатлантиради”, дея белгилангани эътиборга лойиқдир. Боиси, одамларнинг ўз иш жойига эга бўлиши муҳим ижтимоий ҳимоя билан таъминланганини англатади.

Бандликнинг таъминланиши яхши, меҳнат шароитлари, иш ҳақи миқдори масаласи-чи? Бу жиҳат 42-моддада акс этган бўлиб, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилган.

Асосий Қонунда, шу билан бирга, аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган. Умуман олганда, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилган. Бу халқимиз соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда аҳоли, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий давлатга хос бўлган

таълим соҳасининг қўллаб-қувватланиши бўйича ҳам Конституцияга янги модда ва нормалар киритилди. Қувонарлиси, ёшларимиз учун олий таълим муассасаларига давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи қатъий белгиланиши баробарида, давлат грантларининг ошиб бориши, шунингдек, фуқароларнинг бепул бошланғич касб-хунарга ўқитилиши кафолатланган.

Конституцияда болалар масаласи алоҳида ўрин эгаллаган. Хусусан, боланинг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи сифатида белгиланган.

Яна бир муҳим янгилик, ногиронлиги бор болажонларимизга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароит яратилиши конституциявий нормага айлантирилди. Бу эса жисмоний нуқсонларга эга болаларнинг яққаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун жуда муҳимдир.

Фируза МУҲИТДИНОВА,

Тошкент давлат юридик университети
профессори, юридик фанлар доктори

Ёмонликдан қайтариш

Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини саодатманд бўлишга ундаб, гуноҳ ва маъсиятга бошловчи ишлардан узоқ бўлишга чақирганлар. Шунингдек, мусулмонларни Аллоҳ таоло буюрган амалларни чин ихлос, иймон-этиқод билан адо этиб боришга буюрганлар. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким Аллоҳ таоло билан муносабатларини яхши**

Ёлғон гапирганнинг ризқи кесилади

қилса, Аллоҳ таоло уни одамлар билан муносабатини яхшилайди. Ким ички кўринишини ислоҳ қилса, Аллоҳ таоло унинг ташқи кўринишини ислоҳ қилади”, деганлар.

Ислом дини инсоннинг тарбияси ва ахлоқий камолотига

алоҳида аҳамият қаратади. Тубанликка элтувчи амаллардан эса, қайтаради.

Ёлғончилик мусулмонни комилликдан тўсадиган амаллардан бирidir.

2-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 9 ноябрь. Абдуллоҳон Саматов Наманган шаҳар бош имом-хатиби ва “Боқи Полвон” жомеи имом-хатиби этиб тайинланди.

✓ 13 ноябрь. Қашқадарё вилояти бош имом-хатиби Раҳматилло Усмонов ва масъуллар Китоб туманидаги 17-мактаб ҳовлисига кўчатлар экишди.

✓ 13 ноябрь. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Миллат ривожига ислом цивилизациясидан олинadиган ҳикматлар” мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди.

✓ 14 ноябрь. “16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни” шарафига бир гуруҳ уламо ва соҳа ходимлари “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони билан тақдирланди.

✓ 14 ноябрь. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти “Қуръони карим ва тажвид” ўқув курси тингловчилари Нигерия мусулмонларига Қуръони карим ҳадя қилишди.

✓ 15 ноябрь. Малайзия исломни англаш институти (IKIM) расиси, профессор Муҳаммад Нур Манути Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига ташриф буюрди.

✓ 15 ноябрь. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Осиё-Африка тадқиқотлари институти Гамбург билан “Зарафшон воҳаси маданий бойликлари” он-лайн семинар ўтказди.

✓ 15 ноябрь. Бағрикенглик ҳафталиги доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида “Бағрикенг диёр” номли кўргазма очилди.

✓ 15 ноябрь. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Радиқаллашув ва ёт ғояларга қарши курашиш ҳамда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш” мавзуида маърифий тадбирлар бошланди.

✓ 16 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилди.

✓ 16 ноябрь. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида ўтган тадбирда илмий тадқиқот билан шуғулланувчилар учун “Google Scholar” порталида рўйхатдан ўтиш ҳақида муҳим маълумотлар берилди.

Аждодлар мероси тинчликни қадрлашга ундайди



Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Ташриф буюк аллома Муҳаммад Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. Куръон оятлари тиловат этилиб, Аллоҳдан юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик сўраб дуо қилинди.



Уламолар билан суҳбатда бугун дунёда турли низо ва урушлар бўлаётгани, бегуноҳ инсонлар қони тўкилаётгани афсус билан қайд этилди. Юртимиздаги осойишта ҳаёт тинчликнинг қадрини бизга янада теран англатиб, инсонда шукроналик руҳини уйғотади. Суҳбат чоғи тинчлик-осойишталик неъматини аҳамиятини,



Ҳаким Термизий каби боболаримиз илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлиги таъкидланди. Шу масалалар бўйича Термизда илмий конференция ўтказиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг расмий веб-сайти.

Тамасиз одам озоддир

Гуноҳлари хор қилмаган одам азиздир.

Тама қилмайдиган киши озоддир.

Шайтон асир этмаган одам хожадир.

Аллоҳ таоло йўлида зарарли ишлардан ўзини тийган одам оқилдир.

Ким билим ва саховатдан баҳра олишга сазовор бўлса, у Аллоҳга яқин бандадир.

Илм танҳоликда дўст ва ҳамisha содиқ шерикдир. Билим йўлчи юлдуз ва дўстлар даврасида зийнат ҳамда жаннатга бошловчи раҳнамодир.

Ҳаким Термизий
ўғитларидан

Ёмонликдан қайтариш

Ёлғон гапирганнинг ризқи кесилади

1-бетда

Ибн Масъуд розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ўзингизга ростгўйликни лозим тутинг. Чунки ростгўйлик яхшилиққа етаклайди. Яхшилиқ эса, жаннатга олиб боради. Киши рост гапираверганидан Аллоҳнинг ҳузурини ростгўй – сиддиқ деб ёзиб қўйилади. Ёлғондан ҳазир бўлинг. Албатта, ёлғон ёмонликка етаклайди. Ёмонлик эса дўзахга олиб боради. Киши ёлғон гапираверганидан Аллоҳнинг ҳузурини ёлғончи – каззоб деб ёзиб қўйилади”**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Баъзида айрим кишиларнинг эътибор бермай ёлғон гапирётганига гувоҳ бўламиз. Бундайлар ёлғон фақат ёлғончининг ўзигагина зарар келтиради, холос, деб ўйлашади. Аслида эса ёлғоннинг зарари жамиятнинг барча аъзоларига таъсир қилади ва ўзаро ишончининг йўқолишига олиб келади. Анас розияллоху анху: “Сизлар шундай амалларни қиляпсизларки, улар назарингизда қилдан ҳам арзимас ва кичикдек. Холбуки, биз уларни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам даврларида ҳалок қилгучи амаллардан ҳисоблар эдик”, деган. Шунингдек, Ислонда бирорта амал

арзимас ҳисобланмаганидек, ёлғонга ҳам жиддий эътибор қаратилиб, унга қарши курашилади.

Абдуллоҳ ибн Омир розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизникида ўтирган эдилар. Онам мени: “Ҳой ўғлим, келақол, сенга бир нарс бераман”, деб чақирди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам онамдан: **“Ўзингизга нима бермоқчисан?”** деб сўрадилар. Онам: “Хурмо бермоқчиман”, деди. Шунда у зот онамга: **“Агар ҳеч нарс бераганингда амаллар китобингга “ёлғон гапирди” деб ёзилар эди”**, дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

Демак, фарзандга ҳазиллашиб ёки уни бир ишга ундаш учун ҳам ёлғон гапириш мумкин эмас.

Сафвон ибн Сулайм розияллоху анху ривоят қилади: «Ё Расулуллоҳ! Мўмин қўрқоқ бўладими?» деб сўралди. У зот: **“Ҳа”**, дедилар. «Ё Расулуллоҳ! Мўмин бахил бўладими?» деб сўралди. У зот: **“Ҳа”**, дедилар. «Ё Расулуллоҳ! Мўмин ёлғончи бўладими?» деб сўралди. У зот: **“Йўқ”**, дедилар» (Имом Молик ривояти).

Демак, мўмин баъзан қўрқоқ ёки бахил бўлиши мумкин, аммо ёлғончи бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Имом Аҳмад ибн Ханбал

ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Бир одам келиб: “Ё Расулуллоҳ! Дўзах амали нимадир?” деб сўради. У зот: **“Ёлғончилик! Агар банда ёлғон гапирса, фожирлик қилади, фожирлик қилса, кофир бўлади, кофир бўлса, дўзахга киради”**, деб жавоб бердилар». Бундан кишининг ёлғончилиги куфр ва дўзахга олиб борадиган хатарли йўл экани англашилади.

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Эй Одам бола-си! Менга исён қилаётганингда, бирор гуноҳ қилмоқчи бўлганингда, Менинг гуноҳкорларга ғазаб қилишимни эслаб, ақл-ҳушингни йиғиб, гуноҳ қилишдан ўзингни ҳеч орқага тортдингми?”**

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилган ҳадисда ёлғончилик мунофиқликнинг учдан бирига тенг экани айтилган. Набий

соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мунофиқнинг аломати учтадир: гапирса, ёлғон гапирди, ваъда берса, хилоф қилади, аҳдлашса, алдайди”**, дедилар.

Асбаҳоний Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилган ҳадисда эса Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Отанага яхшилиқ қилиш умрни зиёда қилади. Ёлғон (ишлатиш) ризқни қисқартиради. Дуо қазони қайтарди”**, деганлар.

Аллоҳ таоло барчамизга ростгўйликда бардавом, ёлғончиликдан узоқ бўлишни насиб қилсин! Гуноҳ ишлардан четлаштириб, Ўзи рози бўладиган ишларга йўлласин. У ўта марҳаматли ва саховатли Зотдир.

Алишер НАИМОВ,
Фарғона вилояти бош имом-хатиби
ўринбосари

Алишер Наимов 1968 йилда Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида туғилган. 1994 йили “Мир Араб” ўрта махсус ислом билиб юртини битирган. 1994 йилдан Қувасой шаҳридаги “Ислом” жоме масжиди ва шаҳар бош имом-хатиби. 2007 йилдан буён Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари.



Намознинг вожиблари

1. Тақбири таҳримада “Аллоҳу акбар” дейиш.

2. Фарз намознинг аввалги икки ракатида, бошқа (вожиб, суннат ва нафл) намозларнинг ҳамма ракатларида Фотиҳа сурасини ўқиш.

3. Фотиҳа сурасидан сўнг фарзнинг икки ракатида ва қолган (вожиб, суннат ва нафл) намозларнинг ҳамма ракатларида замсура ўқиш. У қайси сурадан бўлишидан қатъи назар, энг ками учта қисқа ёки битта узун оят бўлиши лозим.

4. Фотиҳа сурасини замсурадан олдин ўқиш.

5. Биринчи икки ракатни қироатга тайин қилиш.

6. Имомнинг жаҳрий намозларда баланд овоз билан, махфий намозларда паст овоз билан қироат қилиши.

7. Таъдийлул аркон – арконларни барча аъзоларнинг бўғимлари ўз

* Давоми, бошланиши ўтган сонда.

жойига ўрнашадиган ҳолатда шошилмай бажариш. Бўғимлар ўз жойига ўрнашаши мумкин бўлган энг қисқа вақт бир тасбеҳ айтишга етадиган вақт миқдоричадир.

8. Қаъдаи увло, яъни тўрт ёки уч ракатли намозларда икки ракатдан сўнг ўтириш.

9. Аввалги ва иккинчи қаъдада ташаҳхуд (Аттаҳиёт) ўқиш.

10. Аввалги қаъдада ташаҳхуддан (Аттаҳиётдан) сўнг бирор нарса ўқимасдан, дарҳол учинчи ракатга туриш.

11. Витрнинг учинчи ракатида Қунут дуосини ўқиш.

12. Ҳар ракатда кетма-кет икки марта сажда қилиш. Агар киши бир ракатда бир марта сажда қилиб,



(“Фатавои Оламғирия”, “Раддул мухтор”)

Масала: Намоз вожибларидан бирортасини унутиб тарк қилган ёки такроран бажарган ёхуд ўз ўрнидан кечиктирган кишига саждаи саҳв вожиб бўлади.

Ёрқинжон **ФОЗИЛОВ**нинг
“Саждаи саҳв масалалари”
китобидан

Долзарб мавзу

Мазҳабнинг аҳамияти

Бугунги кунда мазҳабсизлик мусулмонлар орасида ихтилоф ва низоларга сабаб бўлаётир.

“Мазҳаб” сўзи “йўл”, “йўналиш” деган маъноларни англатади. Шаръий истилоҳда эса, “диний масала бўйича муайян мужтаҳид олимнинг фатво чиқариш йўли” деб таърифланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида шариатга боғлиқ барча масалаларни ўзлари ечиб берганлар. Вафотларидан кейин эса бу вазифани катта саҳобалар бажаришди.

Имом Ибн Аҳмад Шаъроний ўзининг “ал-Мийзан аш-шаърония” асарида мазҳаблар ҳақида қуйидаги фикрларни айтган. “Аслида саҳоба ва тобеинлар даврида мазҳабларнинг сони ўн саккизта бўлган. Уларнинг барчаси ўз вақтида амалда бўлган. Лекин вақт ўтиши билан улар тўрт йирик – ҳанафий, моликий, шафъий ва ҳанбалий мазҳабларида бирлашди. Мазкур тўрт мазҳабгина сақланиб қолишининг асосий омили бошқа мазҳаблардан кучлироқ бўлгани учун эмас, балки улар қолган ўн тўрт мазҳабнинг таълимотини ҳам қамраб олганидандир”. Демак, тўртта мазҳабнинг сақланиб қолишига асрлар давомида мусулмонларни турли зиддият ва ихтилофлардан ҳимоя қилиши асос бўлган.

Мазҳабсизлик – шаръий масалаларда аҳли сунна вал жамоа ақидавий мазҳабининг уммат тан олган тўрт фикҳий мазҳабига эргашишни рад этишдир.

Мазҳабсиз алдамчилар Ислом

дини мусулмон кишидан суннийликдаги тўрт мазҳабнинг бирига эргашишни шарт қилмаган, деб даъво қилади. Шунингдек, агар мусулмон бирор шаръий масалада мазҳаблардан бирининг йўлини тутса, кўр-кўрона тақлид қилгани учун хатокор, мутаассиб ва динидан ажралган фирқа ёки гуруҳлардаги шахслар каби адашади, дейди. Мазҳабсизларнинг энг хатари тўрт мазҳаб соҳибларидан бирининг йўлига юриб, гапини олиш “бидъат”, аммо кимлиги номаълум “шайх”ларнинг асоссиз “фатво”ларига эргашишни “ҳақиқат” деб алдашларидир.

Аслида мана шундай асоссиз “фатво”лар мусулмонларнинг бирлигига раҳна солаётган бузғунчи гуруҳларнинг фойдасига хизмат қилмоқда.

Ваҳоланки, Аллоҳ таоло Анбиё сурасининг 7-оятида: **«Агар билмасангиз зикр аҳлидан сўранг»**, деб марҳамат қилган. Унинг мазмунидан уламолар: “Ушбу оят шаръий ҳукм ва унинг далилларини билмайдиган кишиларни биладиган олимларга эргашишга буюрмоқда”, деб ижмо қилганлар. Усул илми уламолари эса, мазкур оятни асос қилиб, оддий мусулмон мужтаҳид олимга эргашиши вожиб, деганлар. Шунингдек, тўрт мазҳаб имомлари “зикр аҳли”дан эканларига бутун уммат уламолари иттифоқ қилишган. Мазҳабдан юз ўгириш салафи солиҳлар йўлидан юз ўгириш бўлиб, шубҳасиз, адашишга олиб боради.

Зеро, Ислом олами тан олган

Имом Таҳовий, Имом ибн Сурайж, Имом Кудурий, Имом Сараҳсий, Имом Жувайний, Имом Ғаззолий, Имом Нававий ва Бурҳониддин Марғиноний каби кўплаб мужтаҳид уламолар ҳам юқоридаги тўрт мазҳабдан бирига эргашишган.

Мазҳабсизлар мазҳабга амал қилмасликни даъво қилади, аммо намоз ва бошқа ибодатларда тўрт мазҳаб имомларидан бирига эргашади. Бошқа иложлари ҳам йўқ. Негаки, ижтиҳод қилишга ҳар ким ҳам қодир бўлолмайди. Ижтиҳод қилиш учун эса, шаръий далиллар (оят, ҳадис кабилар)дан тўғри ҳукмларни чиқаришга етарли даражада илмий ва ақлий қувват ва салоҳият керак. Бунинг далили ўлароқ, ўзини “мазҳабсиз” деб номлаган Ҳиндистон салафийларининг етакчиларидан Сиддиқ Ҳасанхон: “25 йиллик ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб айтманки, омма-халқ мазҳабга амал қилмаса, охир-оқибат диндан чиқар экан”, деб ўзининг адашганини эътироф этган.

Шайх Рамазон Бутий раҳматуллоҳи алайҳ эса: “Мазҳабсизлик динсизликка кўприқдир”, деганлар.

Демак, нафақат юртимизда, балки дунё мусулмонлари бирдам, ибодатлари мукамал ҳамда жамият тинч, ҳамжиҳат бўлиши учун тўрт мазҳабдан бирига эргашишлари ва уни маҳкам ушлашлари жуда муҳимдир!

Мансур **АЗИЗОВ**,
Уругут тумани “Ғиштли”
жоме масжиди имом ноиб

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакиларини манбаларда 9, баъзиларида 12 нафар деб берилган экан. Шунга оидинлик киритиб берсангиз.

ЖАВОБ: Барча сийрат уламолари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари тўққиз нафар эканига иттифоқ қилишган. Улар:

1) Ҳорис ибн Абдулмутталиб (онаси Сафий бинти Жундуб);

2) Зубайр ибн Абдулмутталиб (онаси Фотима бинти Амр);

3) Абу Толиб (асл исми Абдуманоф) ибн Абдулмутталиб (онаси Фотима бинти Амр);

4) Абу Лаҳаб (асл исми Абдулuzzо) ибн Абдулмутталиб (онаси Лубно бинти Ҳожир);

5) Ғайдоқ (ёки Ҳажл) ибн Абдулмутталиб (онаси Муманнаъа бинти Амр);

6) Муқаввим (ёки Абдулкаъба) ибн Абдулмутталиб (онаси Ҳола бинти Вухайб);

7) Зирор ибн Абдулмутталиб (онаси Нутайла бинти Жаноб);

8) Ҳамза ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу (онаси Ҳола бинти Вухайб);

9) Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу (онаси Нутайла бинти Жаноб).

Баъзилар: “Ўн нафар бўлган, ўнинчиси Қусамдир”, деса, айримлари: “Ўн икки нафар бўлган, ўн биринчиси Абдулкаъба, ўн иккинчиси Ҳажл-дир”, дейишади. Лекин муҳаққиқ уламолар: “Муқаввим билан Абдулкаъба битта одам, Ғайдоқ билан Ҳажл бир одамдир. Қусам исмли амакилари бўлмаган”, деганлар.

5-бетда

Қавмини огоҳлантирган чумоли

«

«Сулаймон (хизмати) учун жин, инс ва кушлардан иборат лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар. То улар чумолилар водийсига етганларида, бир чумоли: «Эй чумолилар! Уяларингизга киригиз, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни эзиб кетмасинлар!» деди. (Сулаймон) унинг сўзидан кулиб, табасум қилди ва деди: «Ё Раббий! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга мени муваффақ этгин ва мени ўз фазлинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин!»» (Намл сураси, 17 – 19-оятлар).

«Сулаймон (хизмати) учун жин, инс ва кушлардан иборат лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар». Аллоҳ таоло барча жонзотларни фақат Сулаймон алайҳиссаломга бўйсундириб қўйди.

«То улар чумолилар водийсига етганларида, бир чумоли: «Эй чумолилар! Уяларингизга киригиз!..» деди». Қатода розияллоху анху Куфага келганида, одамлар: «Саволларингиз бўлса, ундан сўранглар», дейишди. Улар орасида ҳали ўспирин бўлган Абу Ҳанифа раҳимахуллох ҳам бор эди. У ёнидагиларга: «Сулаймон алайҳиссалом қисасидаги ўз қавмини огоҳлантирган чумоли жинси нималигини сўранглар», деди. Одамлар ана шу ҳақда сўрашди. Қатода розияллоху анху билмаслигини айтди. Абу Ҳанифа раҳимахуллох: «Урғочи эди», деди. Унга: «Сен қаердан биласан?» дейилди. Абу Ҳанифа: «Аллоҳнинг Китобидан билдим. «قالت النملة» «қолат ан-намлату» жумласи (чумолининг урғочиличини) билдиради», деб жавоб берди.

«...яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни эзиб кетмасинлар!» Яъни, пайғамбарлар билиб туриб



асло бирор жонга зулм ва азият етказмайди. Бунда ҳатто ҳашаротлар ҳам пайғамбарларнинг маъсум бўлишини билишларига ишора бор. Оддий бир ҳашарот Аллоҳнинг пайғамбарларини гуноҳдан холи эканини билишар экан. Аллоҳ ақл ва нутқ билан неъматлантирган инсонлар пайғамбарларни айблаши асло мумкин эмас.

«Унинг сўзидан кулиб, табасум қилди». Сулаймон алайҳиссалом чумолининг сўзларидан ажабланиб кулди ва ўзига кўплаб неъматлар қатори чумоли тилини тушуниш неъматини берилганига шукр қилди ва тавфиқ сўраб Аллоҳ таолога дуо қилди: «Ё Раббий! Менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга, фақат ўзинг рози бўладиган яхши амалларга мени муваффақ эт ҳамда мени ўз фазлинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин!» Яъни, жаннатда улар билан бирга бўлишни насиб айла.



Манбалар асосида «Қўқалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мударриси **Авазбек ЖУМАБОВЕВ** тайёрлади.

Ҳадис шарҳи

Самура ибн Жундуб розияллоху анху ривоят қилади: «Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам бизларга хутба қилиб дедилар: **“Бу ерда фалон қабиладан кимдир борми?”**» Ҳеч ким индамади. Сўнг (яна) сўрадилар: **“Бу ерда фалон қабиладан кимдир борми?”** Яна ҳеч ким индамади. Сўнг: **“Бу ерда фалон қабиладан кимдир борми?”** деб (учинчи марта) сўраганларида, бир киши туриб: «Мен (борман), ё Расулуллох», деди. **“Икки марта сўраганимда сени жавоб беришдан нима тўсди? Мен сизларга фақат яхши нарсани айтмоқчиман. Сизларнинг қариндошингиз қарзи учун ушланиб турибди”**, дедилар у зот.

Кейин мен унинг қарзи адо қилинганини кўрдим, ҳатто қарзини сўраб келадиган бирор киши қолмади» (Имом Абу Довуд ривояти).

Имом Аҳмаддан қилинган ривоятда: **“Биродарингиз узилай қолган қарзи учун жаннат эшиги олдида ушланиб турибди”**, дейилган.

Имом Ҳокимнинг ривоятида: «У зот: **“Хоҳласангиз, унинг қарзини адо қилинг, хоҳласангиз, Аллоҳнинг азобига топширинг”**, дедилар.

Ўша киши: «Унинг қарзини ўз зиммамга оламан», деди. Сўнг уни адо қилди», деган зиёда бор.

Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам бир жанозада: «Бани Нахжордан кимдир борми?» деб майитнинг қариндошларини суриштирдилар. Уч марта сўраганларидан кейин бир киши: «Мен» деб ўрнидан турди. Шунда у зот: «Нега икки марта сўраганимда жавоб қилмадинг? Ахир мен сизларга фақат яхши гап айтаман-ку?» деб танбеҳ бердилар. У киши биздан қандайдир хатолик содир бўлди-ми, деган хавотирда жавоб беришга ботинолмаган, Расули акрам қайта-қайта сўрайвергач, ноилож ўрнидан турган эди.

«Адо қилинмаган қарзи сабаб қариндошингиз жаннатдан тўсилиб турибди. Хоҳланг, қарзини узиб унга ёрдам беринг, хоҳланг, ўз ҳолига ташлаб қўйинг», дедилар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам. Бу билан у зот марҳумнинг яқинлари унинг қарзини адо этиб, жаннатга киришида ёрдам беришларини умид қилдилар. Зеро, бу

ишга энг ҳақли кишилар қариндошлар ҳисобланади. Кейин ўша киши марҳум қариндошининг ҳамма қарзларини тўлади.

Салама ибн Акваъ розияллоху анхундан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларида ўтирган эдик. Бир пайт жаноза келтирилди. «Унга жаноза ўқиб беринг», дейишди. У зот: **“Зиммасида қарз борми?”** дедилар. «Йўқ», дейишди. **“Ундан бирор нарсаси қолганми?”** дедилар. «Йўқ», дейишди. Шунда у зот унга жаноза ўқидилар. Кейин бошқа бир жаноза келтирилди. «ё Расулуллох! Унга жаноза ўқиб беринг», дейишди. У зот: **“Зиммасида қарз борми?”** дедилар. «Ҳа», дейишди. **“Бирор нарсаси қолганми?”** дедилар. «Уч динор (қолдирган)», дейишди. У зот унга жаноза ўқидилар. Кейинроқ учинчи жаноза келтирилди. «Унга жаноза ўқиб беринг», дейишди. У зот: **“Бирор нарсаси қолганми?”** дедилар. «Йўқ», дейишди. **“Зиммасида қарз борми?”** дедилар. «Уч динор», дейишди. **“Биродарингизга жаноза ўқиб қўйинглар”**, дедилар. Шунда Абу Қатода: «Унга жаноза ўқиб беринг, ё

Расулуллох! Қарзи менинг зиммамга бўлсин», деган эди, у зот унга жаноза ўқидилар» (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу ҳадислардан қарз масаласида эҳтиёткор бўлиш, айниқса, қарздор ҳолида вафот этиш оғир экани маълум бўлади. Гарчи у жаннатга ҳақли бўлса-да, қарзи сабаб киролмас экан. Шунинг учун ҳар бир мўмин қарздан тезроқ қутулишга ҳаракат қилиши лозим. Агар қарзини узолмай вафот этса, ундан мерос қолган мол-мулк энг аввал ўша қарзни тўлашга сарфланади. Қолдирган мол-мулки қарзларидан ортиб қолса, кейин меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Агар вафот этган қарздорнинг ортида мол-мулк қолмаган бўлса, унинг яқинларидан бири марҳумнинг қарзини тўлашни ўз зиммасига олиши афзалдир.

Манбалар асосида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти «Ҳадис ва ислом тарихи фанлари» кафедраси мудири **Хурмуҳаммад НУРБОВЕВ** тайёрлади.

Ўзини таниган Раббини танийди

Баъзан сўнгсиз орзулар, ҳой-ҳавасларга берилиб, бу дунёда омонат эканимизни, қачондир уни тарк этишимизни унутиб қўямиз. Нафақат биз, балки бу оламни беаба тураган бошқа яратилган, ҳайвоноту наботот, ҳатто бу кўҳна дунё ҳам кун келиб заволят топади. Одам болалари ва жами яратилган “ожи-зи мутлақ” ва “фақир мутлақ” ораллиғидир...

Хўш, “ожи-зи мутлақ”, яъни мутлақ ожизлик ҳоли нима?

Вақтни тўхтатиш банданинг қўлида эмас. Бир уруғнинг молекуласида кечаётган атом ҳаракатини ҳам инсон зоти издан чиқаролмайди. Биз айтмоқчи бўлган, “ожи-зи мутлақ” мана шундир. Яъни ўлимга, бало-му-сибатга, қариликка нисбатан ожиз қолиш ҳолидир.

Энди “фақир мутлақ”, яъни мутлақ фақирлик ҳолига тўхталсак. Инсон организмда ҳар

куни миллионлаб зарралар, ҳужайралар ўлади ва ўрнига бошқаси келади. Масалан, кўзнинг ичидан бир зарра ўлиб, чиқиб кетди. Аллоҳнинг қудрати билан унинг ўрнига ошқозондаги моддалардан янги бир зарра ажралиб, қон томирларда айланиб, кўзнинг ўша нуқтасига келиб, жойлашади.

Вужудда кечадиган бу жараёнларни тафаккур қилишга кишининг ҳадеганда ақли етмайди. Шунинг учун ҳам инсоният ва бошқа жонотлар мутлақ фақирлик ичиде, муҳтожлик ҳолидир. Шукрлар бўлсин, бизга марҳамат қилиб, эҳтиёжларимизни қаноатлантириб турган Зот бор.

Бу ҳақиқатларни ўйлаган, фикр қилган киши атрофидагиларнинг ва яқинларининг ўлимини тасаввур қилиб, оғир ўйга чўмади, хотиржам бўлолмайди.

Мўмин киши ўзига назар қилиб, вужудида ҳар куни миллионлаб заррачалар йўқ бўлаётганини, ўзи ҳам вақт аталмиш ип орқали

ҳар дам ўлим сари яқин тортилиб бо-раётганини англайди. Инсон ожизлигини тушунган сари безовта бўлади. Бу оламни йўқликдан қутқариш чорасини қидиради ва... Тавҳиди Илоҳийни топади. Оламни ўлимдан олиб, боқий ҳаётга чиқара олувчи Аллоҳ таолога юзланади. Аллоҳни топгач, “Аманту биллаҳи ва бил явмил ахири”, дея Аллоҳга ва охират кунига иймон келтиради. Энди ундаги ачиниш ҳисси шавққа айланади. “Модомики, бу коинотнинг Соҳиби бизни синов учун яратган, мукофоти-га жаннатни ҳозирлаб қўйган экан, иймон ила ўлим топганларга ачиниш ўринсиздир”, дея тасалли топади.

Мўмин энди бу дунёни абадий оламнинг бир дастгоҳи деб билади. Ўзининг бу оламга мусофир, меҳмон экани эсидан чиқмайди. “Бу олам – Аллоҳнинг бир меҳмонхонаси. Бизлар у Карим Зотнинг меҳмон бандаримиз. У бизни абадий оламга таклиф этиб, бориш йўлларини кўрсатган. Қиладиган ишимиз оламлар Соҳиби кўрсатган йўлдан бориш, Унинг розилигини топиш ва абадий ҳаётнинг чиптасини қўлга киритишдир”, деган ҳулосага келади.

Мўмин бўлмаганлар-чи? Тавҳиди иймонга эришмаган, охиратни, ўлимдан сўнг қайта тирилиш ва абадий ҳаёт борлигини қабул қилмаганлар эса ҳар дам ўлим билан юзма-юз келишларини ўйлаб даҳшатга тушадилар. Аммо кулоқлари

“кар”, кўзлари “кўр” бўлгани учун ҳақиқатни эшитмайди, кўрмайди. Дард ва қўрқувни енгиш учун чорани спиртли ичимликлардан, ақлини “фалаж” қилишдан топмоқчи бўлади...

Шундай замонда яшай-мизки, ғафлат мўминларнинг ҳам ҳар ёнини қамраб, ҳисларига қадар қамал қилиб, кўп ҳолларда “ўлим ҳақиқати”ни унуттира олмақда. Қолбуки, ҳар куни минглаб ўлим ҳодисалари содир бўляпти. Одамлар буни ўз кўзлари билан кўриб турган бўлсалар ҳам ўлимдан кейинги ҳаёт тадориғини кўришни орқага сурмоқдалар. Зотан, қиладиган ишимиз, бизга буюрилган вазифа аниқ. Шундай экан, фурсатни қўлдан бой бермайлик!

Собиржон РУСТАМОВ,

Шайхонтоҳур тумани бош имом-хатиби

Масала

3-бетда

САВОЛ: Эрак киши бош кийимсиз намоз ўқиши мумкинми?

ЖАВОБ: Намозни чиройли ва кўркем кийимлар билан адо этиш буюрилган. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам, соҳобаи киромлар, солих уламолар ва ўтган барча улуғлар намозни бош кийим билан адо этишган.

Аллоҳ таоло буюради: «**Эй Одам болалари! Ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатингизни (кийиб) олинг!**» (Аъроф сураси, 31-оят).

Муфассирлар ушбу оятдаги зийнатдан мурод – киши учун виқор бағишлайдиган кийимлар эканига иттифоқ қилишган.

Аллома Ҳаскафий “Дуррул мухтор” китобида намоздаги макруҳ амалларни санаб: “Намозхоннинг бош кийим кийишга эринчоқлик қилиб, яланғош ҳолда намоз ўқиши намознинг макруҳларидандир. Фақатгина ўзини хокисор тутиш учунгина шундай қилса, зарари йўқ. Агар бош кийими намоз асносида бошидан тушиб кетса, уни қайта кийиб олиши афзалдир. Лекин уни кийиш учун кўп ҳаракат қилишга эҳтиёж бўлса, бундай қилмайди”, деган.

7-бетда



Собиржон Рустамов 1967 йилда Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида туғилган. 1999 йилда Тошкент ислом институтини, 2007 йилда Тошкент Шарқшунослик университетини битирган. 1999–2018 йилларда Тошкентнинг Олмазор туманидаги “Работ”, “Мунаввар қори”, “Хўжа Аҳрор Валий” жоме масжидлари, 2018–2023 йилларда “Оқилон” жоме масжидида имом-хатиб бўлди. Ҳозир “Хувайдо” жоме масжиди имом-хатибидир.

Ақида

Нажот – тўғри эътиқодда

Балоғатга етган ҳар бир ақли расо мусулмоннинг эътиқоди тўғри бўлиши фарздир. Ислонни қабул қилган кишига дастлаб эътиқод масаласи ўргатилади. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга юбораётиб, ишни тўғри эътиқодни ўргатишдан бошлашга буюрганлар: “**Сиз аҳли китоб бўлган қавамга борярсиз. Уларни аввал Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қилишга чақиринг. Аллоҳни танишгач, Аллоҳ уларга бир кеча-кундузда беш вақт намоз фарз қилганини айтинг...**” (Имом Муслим ривояти).

Тўғри эътиқод диннинг асоси бўлгани учун нубувватнинг дастлабки ўн уч йили давомида, асосан, ақидавий ҳукмларга оид оятлар нозил бўлган.

Ҳар бир мусулмон Аллоҳ таолога, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, яхшилик ҳам, ёмонлик

ҳам Аллоҳ таолодан эканига ва ўлгандан сўнг қайта тирилишга қалбдан ишонса, эътиқоди тўғри бўлади.

Мазкур етти нарсага қатъий ишониш тўғри эътиқоддир.

Аллоҳ таолонинг борлигига, бирлигига ва комил сифатлар билан сифатланганига иймон келтириш тўғри эътиқоднинг асоси ҳисобланади. Мусулмон киши ғайридиндан тўғри эътиқод тақозосига кўра ҳаёт кечириши билан ажралиб туради.

Тўғри эътиқодли мўмин киши ўзидаги барча нарсаларни Аллоҳ таолонинг унга берган омонати эканини билади. Молидан закот ё ушр ёки етим-есирларга бирор эҳсон қилар экан, ўз ёнидан бераётгандек оғриниб эмас, балки зиммасидаги омонатини адо этаётганидан хурсанд бўлиб сарфлайди.

Тўғри эътиқод ибодатларнинг, солих амалларнинг қабул бўлиши гаровидир.

Дунё ва охират саодати тўғри эътиқодга боғлиқ.

Тўғри эътиқод кишини нафсининг истаклари ва ҳаром ишлардан қайтаради.

Тўғри эътиқодли киши фақат Аллоҳ таолога ибодат қиладиган, сиғинади. Қалбда тўғри эътиқодий бўлмай туриб солих амалларни бажаришга муваффақ бўлиши мумкин эмас.

Охиратда нажот топиш тўғри эътиқодга боғлиқ.

Шунинг учун дунёда бахтли ҳаёт кечиришни, охиратда жаннат билан сийланишни истаган инсон, албатта, тўғри эътиқодни билиши ва унинг тақозосига кўра яшаши лозим.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институтини

Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси

доценти,

тарих фанлари бўйича фалсафа

доктори (PhD)

Осмондан тилла ҳам, кумуш ҳам ёғмайди!

Ишёқмас киши оиласи, жамият учун ҳам зиён. У доимо кимдандир умидвор бўлиб яшайди. Меҳнат қилиб пул топиш, рўзғорига барака олиб келиш ҳақида ҳеч ҳам ўйламайди. Шу жиҳатдан динимиз дангасалик ва боқимандаликни қаттиқ қоралайди.

Аллоҳ таоло бу дунё ишларини сабаб ва ҳаракатларга боғлаб қўйган. Шу боис инсонлару ҳайвонлар ўз ризқларига ҳаракат қилишлари лозим. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) юриверингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан тановул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир”** (Мулк сураси 15-оят).

Киши бир ишга киришса, уни жидду жаҳд, ғайрат билан бажариши керак. Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: **“Аллоҳ таоло бирортангиз бир ишни қилса пухта-пишиқ қилишини яхши кўради”** (Имом Абу Яъло ва Имом Табароний ривояти).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўрнатган бўлиб касб-кор қилганлар. Ёшликда қўй боққанлар, балоғат ёшига етганда тижорат билан шуғулланганлар. Умрларини охирида ер ва боғларидан оилаларига нафақа берганлар. Саҳобалар ҳам касбу кор қилишга энг ғайратли кишилар эди. Улар сув ва қуруқлик орқали

тижорат қилишар, боғу далаларда меҳнат қилишарди.

Ислом оламида машҳур уламоларнинг сифатларида уларнинг касблари қўшиб айтилганини кўп учратамиз. Улар ичида илм талаб қилгани учун касбу корни тарк қилган, кейин одамлардан тиланчилик қилиб юрганлари маълум эмас.

Тасаввуф илмининг устозларидан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг **“Дил баёру даст ба кор”**, деган шиорлари жуда машҳур. Ҳатто у кишига шогирд тушмоқчи бўлган кишидан касбингиз борми, деб сўрар экан. Агар касби бўлмаса, бирор касбни ўрганиб келишга буюрар экан. Чунки одамнинг касб-кори бўлиши уни камбағаллик, тиланчилик ва боқимандаликдан асровчи асосий омилдир. Аксинча, баъзи тасаввуфни нотўғри талқин қиладиганлар дунёга муҳаббат қўймаслик керак, деб одамларни касб қилишдан, етарлича мол-давлатга эга бўлишдан қайтаради. Бу билан дангасалик ва боқимандаликка йўл очиб беради.

Динимиз бу борада мўътадил йўл кўрсатади. Мол-дунёга бутунлай берилиб кетиш, ибодатларни ҳам унутиб молнинг изидан кувишдан қайтаради. Касб-кор ҳамда мол-дунёдан бутунлай юз ўгиришдан ҳам қайтаради. Ҳалолдан ўзи, аҳли-аёли ва бошқа қармоғидаги кишиларга етадиган мол касб қилиш, ундан ортиғига эришса, уни Аллоҳ таоло буюрган ўринларга сарфлашга тарғиб қилади.

Дангасалик ва боқимандаликнинг кибр, мақсад ва ғоялари йўқлиги, тушкунлик ва ноумидлик, гуноҳларни кўп қилиш, мазкур иллатларнинг илдизи ёшликдаги тарбиядан бошланиши каби сабаблари бор.

Албатта, бу касалликдан қутилишнинг иложи бор. Дангасалик ва боқимандаликка майл пайдо бўлган кишилар мазкур тавсияларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир:

Одам ўзига бадантарбия, жисмоний машқларни одат қилиши керак. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам оталар болаларига отга миниб, сувда сузиш ва камонда отишни ўргатишни тавсия қилганлар.

Бирор фойдали иш-касб билан шуғулланиш. Чунки бекорчилик дангасаликни келтириб чиқаради. Арзимас кўринган касб ҳам бекорчилик ва одамлардан умид қилиб тургандан яхшироқдир. Набий алайҳиссалом бундай деганлар: **“Бирингиз арқонини олиб, ўтин териб, елкасида кўтариб келтириши ва уни сотиб (кун кечириши) бировнинг олдига келиб, тиланишидан яхшироқдир. Ҳолбуки, у киши беради ёки бермайди”** (Муттафақун алайҳ).

Сафар қилиш. Кўпинча одам бир жойда ризқ топишга қийналиб қолса, касб қилишдан ўтириб қолади. У касб учун сафар қилса, ишлари ўнгланиб кетади ва боқимандаликдан қутилади. Ҳазрати Умар айтади: **“Бирортангиз ризқ талабидан тўхтаб: “Эй, Аллоҳ! Менга ризқ бер”, деб ўтирмасин. Ўзингиз ҳам биласиз-ку,**

осмондан тилла ҳам, кумуш ҳам ёғмайди”.

Мўътадил еб-ичишга ўрганиш. Ҳаддан ошиқ кўп еб ичиш дангасалик ва кўплаб касалликларга сабаб бўлади.

Намоз ва бошқа ибодатларни вақтида бажариш. Ибодатлар, аввало, Ҳақ таолонинг амри бўлиш билан бирга улар ақл, руҳ ва баданни ҳам соғлом қилади. Намоз ўқиган киши тартибга ўрганади ва дангасаликни енгади.

Дангасалик ва боқимандалик жамиятга ҳам, одамнинг ўзига нисбатан ҳам жиноятдир. Чунки унинг натижаси қабағаллик ва муҳтожлик. Ҳатто Пайғамбар алайҳиссалом бундай дуо қилардилар: **“Эй, Аллоҳ! Мен сендан ғам, қайғу, ожизлик, дангасалик, кўрқоқлик, бахиллик, қарзларнинг кўпайиб кетиши ва одамларнинг устун бўлиб кетишидан паноҳ сўрайман”** (Имом Бухорий ривояти).

Хулоса ўрнида ҳар бир ақли ва жисми соғлом, касб-хунар қилишга имкони бор киши ғайрат-шижоват қилиб, дунё ва охиратини обод қилишга ҳаракат қилиши, имкони борида, атрофдаги кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам бериши лозим. Аксинча, ишга яроқли бўла туриб ўзини ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар қаторига қўшиб олмаслиги керак. Бу эса диёнатли мўмин киши учун катта айбидир.

Ҳикматуллоҳ ТОШТЕМИРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази бош мутахассиси

Дунё масжидлари

“Убудия” жоме масжиди — Малайзия ислом маданиятининг ажойиб тимсоли. Масжиднинг пойдеворини XX аср бошида Идрис Муршидул Аъзам Шоҳ номи билан аталган султон Перак қўйдирган.

Оғир хасталикка чалинган султон дарддан қутилиш учун дунёда тенги йўқ бир масжид барпо этишига қасам ичади. Ниҳоят, Куале Кангсар шаҳридаги саройига яқин Букит Чандан деб аталган тепаликда ана шу ҳашаматли масжидни қуришга фармон беради. Меъмор ва қурилиш ишлари бошлиғи этиб ҳукумат шаҳар лойиҳалаштирувчиси Артур Бенисон тайинланади. Масжид ҳинд-сарацин услубида қурилади.

Масжиднинг қурилиши бевоcита 1911 йил бошланади ва ўша заҳоти тўхтатилади. Гўёки шайтон ушбу муҳташам масжиднинг қурилишига қаршилиқ қилгандек, икита фил бир-бирига ташланиб кетади — уларнинг бири султонники,

иккинчиси рожа Чулананики эди. Ғазаб отига минган ҳайвонларни тинчлантириш қийин бўлади. Аммо уларни бир амаллаб тинчлантириб олганларидан сўнг филлар масжиднинг фасадини қуриш учун Европадан келтирилган мармарларни синдириб ташлагани маълум бўлади. Қурувчилар янги мармарларни олиб келишга қарор қилади. Бироқ ўша вақтда Европада уруш бошланиб кетади ва урушнинг қоқ марказида қолган Италиядан мармар олиб келиш имконсиз эди. Кейинчалик мармар Жанубий Африкадан олиб келинади. Қурилиш 1913 йилда бошланади ва орадан тўрт йил ўтиб, шарқ эртақларида тасвирлангандек, олтин куббалари ва миноралари порлаб турган ҳашаматли масжид қад ростлайди.

Қурилиш ишларига ўша вақтнинг ҳисоби билан 200 минг малай

рингити сарфланади. Аммо Идрис Муршидул Аъзам Шоҳга ушбу бекиёс масжидда роҳатланиб ибодат қилиш насиб этмайди, у шундай чиройли масжид қурилиши ниҳоясига етишидан бир йил бурун вафот этади.

“Убудия” жоме масжиди бугунги кунда ҳам гўзаллиги ва бетакрор услуби билан барчани ҳайратга солмоқда.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.



Улуғ аллома Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси жуда бой, асарлари доимо тадқиқотчилар диққат марказида. Айниқса, унинг “ал-Кашшоф” асари устида жуда кўп изланишлар олиб борилган. Бу асарнинг тўлиқ номи “ал-Кашшоф ан ҳақоиқи ғомази ат-танзил ва уёюни ал-ақовийли фий вужуҳи ат-таъвийл” (Қуръондаги тушуниш қийин бўлган ўринларининг ҳақиқий маъносини ва таъвил қилишда сўзларнинг кўзларини очиб берувчи китоб) бўлиб, кейинчалик қисқартириб “Кашшоф” деб аталган.

“Кашшоф”да кўплаб ҳадис ва ҳабарлар келтирилган. Аммо Имом Замахшарий бу ҳадис ва ҳабарларнинг санадини зикр қилмаган.

Жамолиддин Абу Муҳаммад Зайлаъий “Тахрийжул аҳадийс вал осор ал-воқиъа фий тафсиририл Кашшоф” (“Кашшоф”даги ҳадислар ва асарлар тахрижи) номли китобида “Кашшоф”даги ҳадис ва асарларнинг ровийлари ва манбаларини аниқлаган.

“Кашшоф” асаридаги ҳадислар талқини

Кейинчалик ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний Имом Зайлаъийнинг китобини қисқартирган. Натижада “ал-Кофий аш-шофий фий тахрийжи аҳадийси ал-Кашшоф” (“Кашшоф” ҳадисларини тахриж қилишда кифоя қилувчи) номли асар вужудга келган.

“Кашшоф”да ҳадисларнинг келтириш услуби қуйидагича:

— ҳадислар ва асарлар айрим ўринларни ҳисобга олмаганда санадсиз келтирилади.

— аксар ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заиф экани очиқланмайди.

— ҳадисни ривоят қилган кўплаб саҳобийларнинг исмлари зикр қилинмайди.

“Ал-Кашшоф”дан саҳиҳ ва саҳиҳ бўлмаган ҳадислар билан бирга, асли йўқ ҳадислар ҳам ўрин олган. Сураларнинг фазилятлари ҳақида бир қанча мавзуъ — тўқима ҳадислар келтирилган. Мисол учун Фатҳ сурасининг тафсирида “Ким кечаси

кўп намоз ўқиса, кундузи юзи чиройли бўлади”, деган тўқима ҳадис келтирилган (Кашшоф, 3-жилд, 469 бет). Имом Зайлаъий бу ҳадиснинг тахрижида ҳадис уламоларидан Имом Абу Ҳотим ва Имом Ибн Жавзийлар уни тўқима деб ҳукм қилишганини айтади.

“Кашшоф” тафсиридаги мўътазила фирқасига оид фикрлар ўқувчини чалғитмаслиги учун ҳошияда Ибнул Мунир Искандарийнинг “Ал-Интисоф фийма тазомманахул Кашшоф минал иътизол (ал-Кашшоф тафсири ўз ичига олган мўътазилий фикрларга нисбатан инсоф назари билан қараш) китоби

ва ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “ал-Кофий аш-шофий фий тахрийжи аҳадийсил Кашшоф (Кашшоф тафсиридаги ҳадисларни тахриж қилишда кифоя қилувчи)” асари билан бирга чоп этиш анъанага айланган. Шунингдек, тадқиқотчиларга “Кашшоф” асарини ўқиб-ўрганишда Имом Зайлаъийнинг “Тахрийжул аҳадийс вал осор ал-воқиъа фий тафсиририл Кашшоф” асари ва юқорида таъкидланган Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “ал-Кофий аш-шофий фий тахрийжи аҳадийсил Кашшоф” асари муҳим манбалар сифатида тавсия этилади.

✎ **Ҳасан РАСУЛОВ**, Чилонзор тумани
“Муҳсинхон тўра Эшон”
жоме масжиди имом ноибидир



Ҳасан Расулов 1973 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. 1995 йилда Тошкент ислом институтини, 2020 йилда Тошкент давлат шарқшунослик университетини битирган. 2020 йилдан буён Чилонзор туманидаги “Муҳсинхон Тўра Эшон” жоме масжиди имом ноибидир.

Ҳикматлар хазинаси

Инсон тузалса, дунё тузалади!

Бир бола отасига: “Отажон, мени истироҳат боғига олиб боринг”, деди. Ишдан чарчаб келган ота фарзандини сайрга олиб бормаслик баҳонасида стол устида турган дунё харитасини кўлига олди. “Ўғлим, сенга бир вазифа бераман. Агар уни бажарсанг, истагингни амалга ошираман, бажара олмасанг...” деди. Сўнгра кўлидаги харитани йиртиб, бир неча бўлақларга

бўлди ва ўғлининг кўлига тутқазиб: “Шу харитани жой-жойига қўйчи”, деди. Ўғил қоғоз бўлақларини кўтарганча хонасига чиқиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай: “Отажон! Келинг, кўринг, дунёни тузатдим”, дея чақирди. Ота ҳайрон бўлганча бориб қараса, ҳақиқатан ўғли харитани жой-жойига қўйган экан. “Ўғлим, қандай қилиб қисқа вақтда бу ишни уддаладинг?” дея сўради.

Ўғил: “Сиз йиртган бу қоғознинг орқасида одамнинг расми бор экан. Мен ана шу одамни тузатган эдим, дунё ўзидан ўзи тузалди”, деди. Ота чарчоғини унутиб, ақлли боласини етаклаб сайрга йўл олди.

Бу бола тилида янграган энг гўзал ҳақиқат эди! Дарҳақиқат, инсон тузалса, дунё тузалади!

Яшашни қандай ўргатамиз?

Луқмони Ҳакимга ўғли: “Отажон, менга яшаш сирини ўргатинг”, деди. Шунда у зот: “Ўғлим, доимо энг мазали таомларни егин”, деди. Ўғли: “Бу нима деганингиз? Ахир мен камбағал бўлсам. Қандай қилиб энг ширин ва тотли таомларни ея оламан?” деди. Луқмони Ҳаким: “Агар ҳар қандай таомни қорнинг энг очикқан вақтда есанг, у сен учун энг ширин ва тотли

таомга айланади”, деди. Яна айтди: “Энг юмшоқ ва роҳатли тўшакларда ёт”. Ўғли: “Отажон, бунга менинг пулим етмайди”, дея елка қисди. Луқмони Ҳаким: “Агар сен кўп ишлаб, ҳориб-чарчаб ётсанг, тўшагинг энг юмшоқ жой бўлади ва унда роҳатланиб ухлайсан”.

Насиҳатда давом этди: “Кенг ва ёруғ уйларда ўтир”. Ўғли ажабланди: “Сиз айтгандек кенг жойни сотиб

ололмайман-ку”. Луқмони Ҳаким: “Агар бошқанинг молига кўз тикмасанг, ўтирган жойинг сен учун кенг ва ёруғ кўринади”, деди.

Ота сўзини тугатаркан: “Кўрдингми, ўғлим!? Ҳаётингдаги барча муаммолар ўзингда. Уларнинг ечими ҳам сенда. Шунинг учун ҳаётдан камчилик эмас, завқ ахтариб яша”, деди.

чириган нарсача учун умримизни зое қилибмиз. Ҳолимизга вой бўлсин!” деб дод соладилар», деди.

Биз ҳали ҳам мана шу мағзи чириган ёнғоқ учун талашишда давом этапмиз!

✎ **Абдурасул ТОШПЎЛАТОВ**
тўплади.

Масала

🕒 5-бетда

САВОЛ: Бир одам эшакнинг кулоқларини кесиб ташлагани учун эшак қон йўқотиб ўлди. Шариатда безарар ҳайвонни қасддан ўлдирганга қандай жазо бор?

ЖАВОБ: Шариатда ҳайвонларни қийнаш, заруратсиз ўлдириш гуноҳ ҳисобланади. Ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганлар: “**Бир аёл мушук сабабли (дўзах) азобиға гирифтор бўлди. Чунки уни ўлгунга қадар ҳибс қилиб қўйган. Унга егулик ҳам, сув ҳам бермаган. Ёхуд уни ўзи озуқа топиб ейиши учун ўз ҳолиға қўймаган**” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти). Агар ўлдирилган ҳайвон бировнинг мулки бўлса, унинг қиймати ўлдирган кишидан ундирилади. Шу ишга одатланиб, одамлар мулкига зарар етказганга қози тарафидан маълум жазо қўлланиши мумкин. Буни таъзир дейилади.

Мазлум ҳайвон, айтиқса, эшакнинг қарғиши уриши ҳам бор гап.

✎ **Ўзбекистон мусулмонлари**
идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Мавлоно Румий ҳазратлари кўчада кетаётса, икки нафар ёш бола бир дон ёнғоқни талашганча: “Уни мен топдим, меники!” деб ёқалашаётган экан. Мавлоно Румий ҳазратлари бу ҳолни бироз кузатгач, уларга: “Шу ёнғоқни менга беринглар-чи” деб, уларнинг кўлидан ёнғоқни олиб, тош билан уриб

чақибди. Қарашса, ёнғоқнинг ичи чириган, мағзи йўқ экан.

Мавлоно Румий ҳазратлари уларга: «Аллоҳга қасамки, инсон дунёдан ўтган куни Аллоҳ унга умр бўйи интилган молу дунёси ичи бўш бир ёнғоқ каби эканини кўрсатади ва бандаси бошини чангаллаганча: “Во ҳасрато! Алданибмиз! Шу

“Aydinlik hayaller” тақдироти


Яқинда Анқара шаҳридаги Йилдирим Боязид университетида марҳум шоир Чори Авазининг турк тилида chop этилган “Aydinlik hayaller” (“Ёруғ хаёллар”) китоби (Раҳмат Бобожон таржимаси) тақдироти бўлиб ўтди.

Унда Йилдирим Боязид университети Ислон тадқиқотлари маркази раҳбари Айтач Айдин, Ижтимоий фанлар факультети декани Хусайн Чинар, филология фанлари доктори, профессор

Фунда Топрак, шунингдек, халқаро нуфузга эга Ҳажитепа ва Ғози университетлари профессор-ўқитувчи ҳамда талабалари иштирок этишди. Турк қардошларимизнинг ўзбек адабиётига, ўзбек шоирининг ижодига бўлган қизиқиш ва эҳтиромлари бизни мамнун этди.

Тадбирда Туркия радио ва телевидение Олий Кенгаши эксперти, доктор Аҳмет Акалин, Ислон тадқиқотлари маркази магистранти Абдувоҳид Ўрозов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов, Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Шахло Ҳожиева, “Фаввора” киностудияси раҳбари Келдиёр Хўжаёров, журналист ва шоира Озода Бекмуродова, шоирнинг қизи, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Гули Нигор Авазова ва бошқалар сўзга чиқиб, шоир хотирасини ёдга олишди ва ижодидан намуналар ўқишди. Чори Авазининг



“Бахтиёрлик шу эмасми?” (“Mutluluk shu degil”) эссе-си асосидаги слайд намоиши этилди.

Тадбир давомида санаб ўтилган университетларда профессорлар Нурбой Жабборов ва Шахло Ҳожиева талабаларга Алишер Навоий, Абдулҳамид Чўлпон ва Чори Аваз ижоди бўйича маҳорат дарслари ўтишди.

Зебо ОМОНОВА

Ибратли воқеалар

Кун совуқ. Киракашлик қилиб юрган Саидахмад йўл четида турган чолга кўзи тушиб, машинасини тўхтатди.

— Қаёққа экан, дода? — Саидахмад ойнани тушириб сўради.

— Ассалому алайкум, болам, мана бунга қара, унда манзил ёзилган, — дея чол қоғозни узатди. Саидахмад салом бермаганига хижолат тортди. Қоғозга кўз югуртиргач, мулойимлик билан чолни машинага таклиф қилди.

Нуроний олд ўриндиққа жойлашиб олиб, хавфсизлик камарини тақди. Йўлда кетишар экан, Саидахмад хавфсизлик камари шарт эмаслиги, ҳайдовчилик тажрибаси катталиги, бахтсиз ҳолатлар келиб чиқишидан хавотир олмаслигини тушунтирмоқчи бўлди. Чол эса эҳтиёткорлиги сабаби бу эмаслигини айтди. Саидахмад отахоннинг жавобига қизиқиб қолди.

— Дода, нега унда хавфсизлик камарини тақиб олдингиз? — деди.

— Аллоҳнинг “Ҳафийз” сифати бор, шунинг сабабини қилишимиз керак, — деди чол бироз жим туриб.

Саидахмад қанча уринмасин, ҳеч нарсани тушунмади. Чол унинг ҳолатини сезди-да, фикрини изоҳлай бошлади:

— Аллоҳнинг 99 та исми борлигини билсанг керак, улардан бири “Ҳафийз” сифати, яъни ҳар бир нарсани комил муҳофаза қилувчидир. Бунинг учун эса биринчи галда биз ўзимиз сабабини қилишимиз керак.

Саидахмад бош ирғаб тушунганини билдирди. Ҳеч сўз демай, ўзи ҳам хавфсизлик камарини тақиб олди. Чол жилмайиб қараб қўйди. Саидахмад узоқда тўхташ ишорасини қилиб турган

Хавфсизлик камари

йўловчини кўриб, нуронийдан “Йўлимиз бир бўлса, олволсак бўладими?” деб сўради. Чол қаршилиқ билдирмади, аксинча, бировнинг йўлини яқин қилиш савоб эканини айтди. Кутганларидек, йўллари бир экан, мингаштириб олишди. У 25–30 ёшлардаги эркак эди. Кўзгалларлари заҳоти унинг телефонига кўнғироқ келиб, ким биландир гаплаша бошлади.

— Ўртоқ, қалайсан, аҳволлар яхшими? Бугун яна кўришамиз, биласан-а, чойхонанинг зўрини гаплашиб қўйганман, ичишга ҳам нарсалар бор, бир маза қилайлик. Худо хоҳласа, ундан кейин яна қизикарироқ бўлади... Э қўйсанг-чи шуни, қўшилгиси келмаса, қўшилмасин. Уни деб энди одатимизни ўзгартирмаймиз-ку... қоидалар бузиш учун чиқарилган, айтиб қўй, агар яна ақллилик қилиб сенга гапиршни бошласа ... ҳа, ҳа, бўлди унда, — дея кулиб юборди ва телефонни ўчирди.

Орага бироз жимлик чўккач, чол секин гап бошлади. “Ўғлим, кечирасиз, сизнинг ишингизга аралашгим йўқ, аммо ногаҳон суҳбатингизни эшитишга мажбур бўлдим. Боя ичимлик деганда спиртли ичимликни назарда тутдингиз, чоғи?” Йигит чолга хўмрайганча: “Ҳа, нима эди?” дея тўнғиллади. Саидахмад унга: “Биродар, ёшларини ҳурмат қилсак бўлармиди”, деб танбеҳ берди. Чол эса ранжимаганини билдириб, фикрини давом эттирди.

— Ўғлим, нотўғри тушунманг, шахсий ҳаётингизга аралаш

ниятида эмасман, лекин эслатиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг вазифаси ҳисобланади. Сизга спиртли ичимлик ичмасликни маслаҳат бераман. Маст қилувчи ичимликлар ҳақида гап кетганда, “Худо хоҳласа” деган сўзни қўшманг.

Саидахмад ўйлаб қолди: ўзи ҳам ёмон ишларни қилганда “Худо хоҳласа” деган сўзни тилга олганми-йўқми? Минг афсус, шундай ҳолатлар бўлган. Ўшандай пайтлар бу ибора қандай маъно англатишини ўйламаган. Орқадаги йўловчи ҳам ўзининг спиртли ичимлик ичиш истагини Аллоҳнинг хоҳишидан, деб билипти.

Ҳа, негадир бизга тўғри йўл кўрсатиб қўйилган бўлса-да, ундан юришни истамаймиз. Мисол учун, боя гаплашганларидек, хавфсизлик камари бўлса-да, ҳайдовчилар кўпинча билатуриб уни тақмаган ҳолда ҳаракатланишади. Боз устига, кўчаларда ўрнатилган йўл белгиларини кўриб туришса-да, беписандлик билан қоида бузишади. Ахир қоида бузилса, бу ҳам бировга, ҳам ўзига зарар беради-ку. Нима учун шундай? Чунки тўғри яшаш қоидаларини билмаймиз, билсак-да, амал қилмаймиз.

Хўш, уларни қаердан ўргатамиз? Аллоҳ таолонинг Қуръони каримдаги эслатмалари, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари — бизга ҳаёт йўлимизда тўғри юриш учун энг муҳим қоидалар эмасми?

— Отахон, соқолингиз оқарган экан, энди бировларникини ҳам оқартирманг, хўпми? Кимсизки,

менга бунақа насиҳатлар қиласиз? — йўловчи йигитнинг жеркинган сўзлари Саидахмаднинг хаёлини бузди.

— Биродар, дода тўғри гап гапирдилар, — дея қўшилди у.

— Узр, ўғлим, мен шунчаки гапирдим-қўйдим-да, — деди чол.

— Шунчаки гапирмасдан жим кетинг, оғзингизни ёпиб, — янаям баланд келди йигит.

— Ҳаддингиздан ошяпсиз, — деди Саидахмад ғазабланиб.

— Нимага боядан бери гапга аралашасиз, рулни айлантриб, жим кетинг, — йўловчи энди Саидахмадга ўдағайлади.

— Тушунмадим, — деди Саидахмад. Чол унга: “Қўйинг, ўғлим, керакмас”, деди. Саидахмад машинани таққа тўхтатди:

— Туш машинадан! Пулинг ҳам керакмас!

Саидахмад ва чол йўлда давом этди. Манзилга етиб келгач, қария йўл ҳақи узатганди, Саидахмад олмади, бугун пулдан ҳам муҳим ва қимматли нарсани қўлга киритганини айтиб, миннатдорлик билдирди. Отахон хурсанд бўлиб, дуо қилди.

Саидахмад машинани ортга бурди. Уловини елдириб кетар экан, кўча четида пиёда одимлаётган ҳалиги йўловчини кўриб қолди. Беихтиёр унинг ва ўзининг ҳолатини кўз олдида келтирди. Тасаввурида “Ҳафийз” сифатини ҳис қилаётган ва ҳис қилишни хоҳламаётган одамларнинг суратлари пайдо бўлди. Аллоҳга шукр айтиб, йўлида давом этди.

Сардор ҚУРБОНОВ,
Тошкент шаҳри

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkk'o'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Dilmurod SODIQOV
Musahhiha:
Zabo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
01.11.2023
Xulosa (№03-07/8721) olindi:
16.11.2023
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650
227/21-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkk'o'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!